



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

№ 174 (16.560)

27 июль 1976 йил, сешанба

Баҳоси 2 тийин.

◆ УНИНЧИ БЕШ
ИЙЛЛИКНИНГ ДАСТ-
ЛАБКИ ЗАФАРЛАРИ
◆ ГАЛЛАКОРЛАР
ШАРАФЛИ МАРРАНИ
ЭГАЛЛАМОҚДАЛАР
◆ ДАЛАЛАРДА МУЛ
ХОСИЛ ТУПЛАШ УЧУН
ҚИЗГИН КУРАШ

САММИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикасининг революцион байрами — миллий қўзғолол қунининг 23 йиллиги муносабати билан Л. Брежнев, Н. Подгорний, А. Косигин ўртоқлар Куба Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Ўзбекистон Республикасининг Президенти ўртоқ Освальдо Дортикес Тортрадога табрик телеграммасини йўллагандилар.

Телеграммада бундай дейилди:
Ўртоқ Фидель Кастро бошчилигида Монкада қазармасига штурм қилган Куба ватанпарварларининг жасорати Куба халқи қаҳрамонона озодлик кураши тарихига янги бет саҳифа бўлди. Бу кўп йиллик кураш пировардида халқ революцияси ғалаба қилди, мамлакат миллий ва социал жihatдан озодликка эришди; Америкадаги биринчи социалистик давлатнинг барпо этилиши революция ғалабасининг давоми бўлди. Куба революциясининг ватанпарвар эркин социалистик ривожининг тажрибаси мустақиллик йўлидан халос бўлган халқларнинг дилларини бахш этмоқда, марксизм-ленинча таълимнинг, социалистик ғояларнинг буюк ҳаётий кучини исботламоқда.

Бу байрамни азиз ва қimmatли деб ҳисобловчи совет кишилари кубалик дўстларининг социализм қурилишидаги муваффақиятлари билан астойдил қувонадилар. Куба Коммунистик партиясининг тарихий I съезди қарорларини бажариш давомида ишчилар, деҳқонлар, аристократлар, оқоматчилик, фан, маданият, маорифни юксалтиришда, ўз фаровонлигини оширишда янада каттароқ муваффақиятларга эришмоқдалар. Янги ямани қўлга келтирган кубаликларнинг фидокорона меҳнати уларнинг янги майдонларидаги жасоратлари каби бутун дунёда таҳсин ва ҳурматга сазовор бўлмоқда.

Ўзбекистон Куба — социалистик давлатлар интернационал ҳамдўстлигининг актив аъзосидир. У мустақилликнинг ва халқаро хавфсизлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашдан иборат муштарак ишга мўйин бўлиш ҳисси қўшмоқда. Кубанинг халқларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари учун, уларнинг ижтимоий тарқати учун изчил антимпериалистик курашчи сифатида дунёдаги ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги обрў-этибори йил сайин мустаҳкамланмоқда.

Совет коммунистлари, барча совет кишилари КПСС XXV съезди қарорларига амал қилиб, Куба Республикасини билан, Куба халқи билан мустаҳкам алоқаларни бундан буён ҳам кенгайтира берадилар, партияларимиз ва халқларимизнинг ҳар томонлама ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қўмақлаша берадилар. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ СОВЕТИГА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Самарқанд областининг қолқозчиларини, соҳахларининг ишчиларини, механизаторларини, қишлоқ хўжалиги, сув хўжалиги ва тайёрлаш органларининг, партия, совет, касаба союз ва номсолом ташкилотларининг ходимларини ушун мекнат ғалабаси — давлатга бошқоқли дои сотиш топшириги бажаришга билан саммий табрикландилар.

Область қолқоз ва совхозлари КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди тарихий қарорларини амалга ошира бориб, илгор тажриба ва фан ютуқларини практикага мекн жорий этиб, бугдой ва арпадан мўл ҳосил етиштирдилар. Улар ҳосил ўсим-йилгини уюшқоқли билан ўтказиб, Ватан оморларига 90 минг тонна дон топширдилар еки қарий икки йиллик лан ҳажмида бошқоқли экинлар донини тайёрладилар.

Давлатга 25 минг тонна еки бошқоқли донини харид қилишнинг уч йиллик ланидан кўпроқ ғалла сотган Советобод районининг ғаллакорлари ана шу ушун мекнат ғалабаси салмоқли ҳисса қўшдилар, Иштихон, Пайарик, Булуғур, Пастдаргом, Ондар, Жомбой, Самарқанд, Хатирчи, Нарпай районларининг ғаллакорлари давлатга дон сотиш топширигини анча ошириб бажардилар.

Советобод районидagi «Улус», «Қаттақўрғон», «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги», Булуғур районидagi «Победа», Жомбой районидagi А. Курбанов номи, Иштихон районидagi Свердлов номи совхозлар; Пастдаргом районидagi К. Марис номи, Каттақўрғон районидagi «Ленинград», Пайарик районидagi «Москва» қолқозлари бошқоқли экинлар донини харид қилиш юзасидан 3-4 йиллик лани ва бундан ҳам кўпроқ йиллик лани бажардилар.

Советобод районидagi «Қаттақўрғон» совхозининг комбайнчиси Парда Омонов, «Улус» совхозининг комбайнчиси Хуррам Тиллаев, Урган районидagi Илданов номи совхозининг комбайнчиси Мамат Хамдамов, Пайарик районидagi Киров номи совхозининг комбайнчиси Ойил Нажмуллоев, Нурота районидagi давлат биология пунитининг комбайнчиси Қаҳрамон Тўхтатишев, Булуғур районидagi «Победа» совхозининг комбайнчиси Абдишохид Холбоев ва кўпгина бошқа комбайнчилар зўр ғайрат билан меҳнат қилиб, ҳар бири 400 гектар ва бундан ҳам кўпроқ майдондаги бошқоқли дон экинларини ўриб-йилгиб олдилар.

Область хўжаликларида манқанқорни дондан мўл ҳосил олиш кутилмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Самарқанд областининг партия, совет ва хўжалик органлари, қишлоқ хўжалигининг барча меҳнатчилари бу йилги муваффақиятлари ақнайдилар, пахта ҳамда бошқа деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар, ўзини беш йилликнинг биринчи йилида янгидан-янги муваффақиятларга эришиб, Ватанини хушнуд қилдилар, деб қатъий ишонч билдирдилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР
МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА СУХБАТ

КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигида кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов 26 июль куни СССР Ташқи ишлар министрлиги дипломатия академиясининг Ўзбекистонга практикага келган тингловчиларини қабул қилди.

Сухбат давомида академия тингловчилари республика партия ташкилотининг КПСС

КУБАЛИК МЕХМОНЛАР

Куба — Совет дўстлиги уюшмаси раисининг ўринбосари, Куба алоқа министрлигининг биринчи ўринбосари Педро Луис Торрес бошчилигидаги уюшма делегацияси Ўзбекистон пойтахтига келди.

Мехмонлар чет эллар билан

дўстлик ва маданий алоқа қилишчи Ўзбекистон жамаиятида қабул қилиндилар, шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечиридилар, Тошкентда таълим олаётган кубалик студентлар билан учрашдилар. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республика партия органларида кўп йиллар, самарали ишлаганини ҳамда туғилган кунига эълоқ йил тўлиши муносабати билан

ҚАРДОШ ПАХТАКОРЛАРНИНГ ҚИММАТЛИ ТАВСИЯЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИБ ҒЎЗА ПАРВАРИШИНИ ЯНАДА КУЧАЙТИРАЙЛИК



Қашқадарё область Китоб районидagi Куйбишев номи қолқоз пахтакорлари 1310 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 42 центнердан ҳосил етиштириб, жами 5500 тонна «оқ олтин» хирмони бунёд этишмоқчи. Айниқса пахта устаси Убайдулла Пармонов етакчилиги қилётган бригада далаларида иш қизиги. Улар ғўзани ўз вақтида озилантириб, юксак агротехника қоидалари асосида парварши қилляптилар. Шунинг учун ҳам ғўзалар серавк ўсиб, ҳосил нишонларини қўлайтиряпти. Суратда: шу бригаданинг меҳир суғичи Сайфи Эгамбердиев ғўзаларга суғ таралти.

З. Суяров фотоси.

ФОЙДАЛИ МУЛОҲАЗАЛАР

Қардош озарбайжонлик мусобақадорлар дала ишлари билан таъинишнинг дастлаб Тўрақўрғон районидан бошладилар. Улар район хўжаликлариининг пахта далалариини қўрганларида, мўл ҳосил учун астойдил кураш олиб борилаётганининг гувоҳи бўлдилар. Шу кунларда пахта далаларида 309 қоңиқ трактори ишлаб турибди. Ўсимлик кеча-кундуз об-ҳаётга қўйилиб сугорилмоқда.

Озарбайжонлик дўстларимиз Калинин номи қолқоз далаларини айланганида, ғўза парварши юксак талаблар даражасида ташкил

этилганини таъкидлашди. Айниқса хўжаликнинг С. Назарова бошлиқ бригадасида бу иш намунали ташкил этилган. Бригада аъзолари 72 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 50 центнердан «оқ олтин» етиштиришга бел боғлаб меҳнат қилишляпти. Механизатор ва сувчилардан Т. Аҳмедов, Х. Назаров, Ш. Тўрабоев, А. Қўчқоров ўртоқлар ғўза парваршида байроқдор бўлмоқдалар. Районнинг кенга хўжалиги — «Партия XXV съезди» қолқоз аъзолари ҳам барча агротехника тадбирларини омилқорлик билан амалга

оширмоқдалар. Бу хўжаликда ҳар туп ғўзада 5-6 та бўлиқ қўсақ, қўлаб ҳосил нишонларини санаш мумкин. Озарбайжонлик пахтакорларнинг вакиллари тўрақўрғонликлар ишидан анча таъриба ўрганиш билан бир қаторда ғўза парварши ва бошқа соҳаларни ривожлантиришда йўл қўйилган камчиликларни дўстона кўрсатиб бердилар. Масалан, «Намуна» қолқозининг 70 гектар майдонининг ҳар гектаридан 46 центнердан ҳосил етиштириш мажбуриятини олган А. Исоқов бошлиқ бригадасида пайдо бўл-

ган ўғимчакканани тезроқ йўқотиш тадбирлари қўрилмаптир. Шу ерда 8 гектар ғўза қанқотиб сугорилган. Бу ўсимлик ривожига салбий таъсир қўрмаган. Мехмонлар «Партия қолқоз» қолқоз далаларини айланганларида бу хўжаликда қоңиқ таъиниш зарурлиги аён бўлиб қолди. «Ўзбекистон» қолқозининг Т. Асқаров бошлиқ бригадасида сувдан фойдаланиш ёмон ахволда. 150 литр сувни бошқариш учун атиги тўққиз киши ажратилган.

Мусобақадор дўстларимиз тўрақўрғонлик ҳаммасиларига аниқланган камчиликларни тезроқ бартараф этиш юзасидан йўл-йўриқлар қўрсатдилар, маслаҳатлар бердилар.

О. ЖУМАНАЗАРОВ.
Совет Ўзбекистони» мухбири.

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ СОВЕТ ВА КУБА ЁШЛАРИ ДЎСТЛИГИ ФЕСТИВАЛИ

Сурхондарё областидagi санаот қорхоналарининг коллективлари социалистик мусобақани кенг авж олдириб, маҳсулотни реализация қилиш ва буюмлардан энг мўл турларининг қўчилигини ишлаб чиқариш юзасидан етти ойлик лани муддатидан бир ҳафта олдин бажардилар. Топшириққа қўшимча равишда 13,6 миллион сўмлик ҳар хил маҳсулот реализация қилинди.

Жиззах областининг санаоти маҳсулотни реализация қилиш етти ойлик программасини муддатидан аввал, 25 июлда бажарди. Плана қўшимча равишда қарийб 4 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

Молдавия пойтахтининг майдонлари ва проспектлари Л. И. Брежневнинг фестивал катнашчилигида йўлланган табринома-сини гулдўрос, давоми қарсқлар билан кутиб олдилар. Табринома Молдавия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. И. Бодулов ўқиб берди. Ўртоқ Л. И. Брежнев табриномасида бундай дейилди: «Улус Октябрь Ватани билан қаҳрамон Озодлик ороли ўртасидаги масофа

минглаб километрни ташкил этишига қараман, биз ҳар куни, ҳар соат мустаҳкам қардошлик алоқаларини боғлаб турибмиз. Бу дўстлик инсоният ишлаб чиққан энг яхши фазилатларини ўзига мужассамлаштирган бўлиб, социалистик интернационализм амалда эканлигини билдиради. Ана шу саммий сўзлар дўстлик фестивалининг рамзи бўлиб қолди.

Фестивални очиб маросимиде ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тажетдинов ва Куба ёш коммунистларининг миллий комитетининг иккинчи секретари Мануэль Вильямар Кусидо нутқ сўзладилар.

Байрамнинг биринчи кунинда Совет ва Куба ёшларининг лагерини очилди, ҳар икки мамлакат фильмларининг ҳафтали бошланди. Кечкурун Кишиневнинг марказий майдониде

Монкада қазармаси штурм қилинганлигининг 23 йиллиги муносабати билан фестиваль катнашчиларининг ёшлар қарнавали бўлиб ўтди.

Олинда — етти эркин унутилмас кун турибди. Бу кунлар дўстлик ва қардошлик белгиси остида ўтади. Совет ва Куба делегациялари «Леонинг комсомол, Куба ёш коммунистлар» союзи, КПСС XXV съезди ва Куба Коммунистик партиясининг I съезди қарорларини бажариш учун курашмоқда мавзунда елги мажлис ўтказадилар. Байрамнинг маданий программаси ҳам кенг. Программага «Бизнинг қўшимчимиз» — тинчлик, дўстлик ва кураш қўшиғидири доган мавзуда кеча ўтказиш, концерт бериш ва бошқа тадбирлар кўзда тутилган.

(ТАСС мухбири).
Кишинев.

„САЛЮТ-5“: ТЕХНИКАВИЙ ЭКСПЕРИМЕНТЛАР

УЧИШНИ БОШҚАРИШ МАРАКАЗИ. 26 июль. (ТАСС). Космонавтар Борис Волинов билан Виталий Жолубов «Салют-5» срибат станцияси бортида учинчи даром этириққондилар. Космонавтар актив дон олиш кунидан кейин программга мувофиқ иллий-техникавий тадқиқотларини бажардилар. Улар ернинг тўғи уфқи фониде оқини фотосуратга олдилар. Бу экспериментдан кўзда тутилган мақсад муста-

қил навигация чоғида таянч қилинчи сифатида тўғи уфқининг ҳақиқий даражасини аниқлашдир. Ана шу экспериментларнинг маълумотлари космик ишлар системаларини янада тақомиллаштириш ва ушчаларнинг аниқлигини ошириш учун зарур.

Эксплаж станцияга ўриятилган экспериментал электромоханакий стабилизация систе-

бошқариш марказидagi мухбирларнинг саволларига жавоб қайтардилар.

Станциянинг берт системаларини нормал ишлаб турибди. Волинов ва Жолубов ўртоқларининг кайфияти яхши. Команда-ўлаш комплексни воситалари станция билан барқарор радиолоқа боғлаб, олинаётган ахборотни қабул қилиш ва ишлаш таъминламоқда.

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ДАДИ КАДАМИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ
1976 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРМИДАГИ
БАЖАРИЛИШ ЯКУНЛАРИ ТУРРИСИДА

ЎЗБЕКИСТОН ССР МАРКАЗИЙ
СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ
АХБОРОТИ

Республика меҳнатчилари КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартиясининг XIX съезди қарорларини амалга ошира бориб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш, 1976 йил планларини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб юбордилар. Унинг беш йилликнинг биринчи йили ўтган ярмида хўжалик ва маданий қурилишда янги муваффақиятлар қўлга киритилди, халқ фаровонлигини янада юксалтириш давом эттирилди.

Халқ хўжалигининг тармоқлари бўйича ярим йиллик ланининг бажарилишини характерловчи кўрсаткичлар қуйида келтирилади.

І. С А Н О А Т

Маҳсулотни реализация қилиш ва буюмларнинг қўчилиги энг мўл турларини ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ярим йиллик лани ошириб бажарилди.

Санаот ишлаб чиқаришининг ўсимини ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан йиллик ланида белгиланган 3,2 процент ўрнига 4,8 процентини ташкил этди.

Санаот маҳсулотининг ҳажми 1975 йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан электр энергетикада 4 процент, қор ва рангли металлургияда 6 процент, химия ва нефть химияси санаотида 14 процент, машинасозлик ва металл қайта ишлашда 10 процент, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз санаотида 6 процент, сенил санаотда 2 процент ва озиқ-овқат санаотида 6 процент ўсди.

Ярим йиллик мобайнида меҳнат унумдорлиги 2,6 процент ошди. Жами маҳсулот ўсимиининг 56 процентига меҳнат унумдорлигини ошириш туфайли эришилди.

Қорақалпоғистон АССР, барча областлар ва Тошкент шаҳри санаоти маҳсулотини реализация қилиш ярим йиллик ланини ошириб бажарди.

Айрим министрликлар ва идоралар бўйича маҳсулотни реализация қилиш ярим йиллик ланининг бажарилиши, санаот ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлигининг ўсим суръатлари қуйида келтирилади:

Маҳсулотни реализация қилиш ярим йиллик ланининг бажарилиш проценти	1976 йилнинг биринчи ярмида 1975 йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан процент ҳисобида	Ишлаб чиқариш ҳажми бўйича	Меҳнат унумдорлиги бўйича
Ўзбекистон ССР бўйича жами	104,1	104,8	102,6
Умумийтўғи министрликлар қорхоналари бўйича	101	107	105
Газ санаоти министрлиги	101	98	98
Нефть санаоти министрлиги	103	98	98
Кўмир санаоти министрлиги	103	102	100,3
Химия санаоти министрлиги	100,3	109	106
Электротехника санаоти министрлиги	100,9	110	105
Химия ва нефть машинасозлиги министрлиги	102	107	106
Станкоқозлик ва асбобсозлик санаоти министрлиги	103	104	105
Автомобиль санаоти министрлиги	102	108	108
Трактор ва қишлоқ хўжалик машинасозлиги министрлиги	103	107	106
Қурилиш, йўл ва коммунал машинасозлиги министрлиги	102	98	99
Енгил ва озиқ-овқат санаоти ҳамда рўзгор приборлари учун машинасозлик министрлиги	98	109	107
Целлюлоза-қоғоз санаоти министрлиги	104	104	103
СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Микробиология санаоти Бош бошқармаси	103	106	107
Иттифок-республика ва республика министрликлари ҳамда идоралари қорхоналари бўйича	105	104	102
СССР Қора металлургия министрлиги	102	111	102
СССР Рангли металлургия министрлиги	101	105	105
СССР нефтин қайта ишлаш ва нефть химияси санаоти министрлиги	99,2	107	95
Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги	100,7	104	105
Ўзбекистон ССР Мебель ва ёғочни қайта ишлаш санаоти бошқармаси	102	106	104
Ўзбекистон ССР Бинокорлик материаллари санаоти министрлиги	104	109	108
Ўзбекистон ССР Енгил санаот министрлиги	104	108	106
Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш санаоти министрлиги	107	99	99
Ўзбекистон ССР Озиқ-овқат санаоти министрлиги	104	105	103
Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги «Узподо-овошчипром» аграр санаот бирлашмаси	107	105	103
Ўзбекистон ССР Ғўшт ва сут санаоти министрлиги	104	102	101
Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги бошқармаси	134	94	93
Ўзбекистон ССР Маҳаллий санаот министрлиги	105	109	106

(Давоми иккинчи бетда).

ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ ДАДИЛ ҚАДАМИ

(Боши биринчи бетда).

Умуман республика бўйича саноат маҳсулотининг энг муҳим турларини ишлаб чиқариш куйидаги маълумотлар билан характерланади:

	1976 йилнинг би- ринчи ярмида иш- лаб чиқарилиши	1976 йилнинг би- ринчи ярмида 1975 йилининг биринчи ярмига нисбатан ошаган, процент ҳисо- бида
Электр энергия — миллиард киловатт-соат	17,0	103
Нефть (газ конденсатини ҳам қўшиб ҳисоблаганда) — минг тонна	646,0	95
Газ — миллиард куб метр	18,0	96
Кўмир — минг тонна	2696	102
Пулат — минг тонна	206,4	102
Қора металлнинг тайёр прокат- ти — минг тонна	185,5	101
Минерал ўғитлар (шартли бирликларда) — минг тонна	2937,8	98
Кучланиш трансформаторлар — минг киловольт-ампер	2858	113
Бронекабель — минг километр	9,5	103
Компрессорлар — дона	2925	108
Пилталаш машиналари — дона	372	97
Тракторлар — минг дона	11,8	104
Трактор прицеплари — минг дона	18,8	108
Трактор култиваторлари — минг дона	11,3	103
Пахта териш машиналари (физик бирликларда) — дона	4235	107
Электр кўприк қрайлари (макс- суставлардан ташқари) — дона	476	105
Экскаваторлар — дона	717	106
Цемент — минг тонна	1784,2	101
Нигма темир-бетон конструкция- лари ва деталлари — минг куб метр буюм	2039,4	105
Қўриқлиги тўғриси — миллион дона	871,9	100,9
Асбоцемент шифер — миллион шартли плита	144	98
Кўгош — минг тонна	13,0	108
Мебель — миллион сўм	40,5	108
Рўзгор холодильниклари — минг дона	60,1	108
Газ плиталари — минг дона	150	106
Пахта толаси — минг тонна	913,0	98
Ипак — тонна	707	105
Канон толаси — минг тонна	14,5	89
Ниг-газлама — миллион квадрат метр	91,9	102
Шойи газлама — миллион квадрат метр	45,1	100,0
Пайпоқ маҳсулотлари — миллион юфт	19	105
Ички трикотаж — миллион дона	15,1	103
Устин трикотаж — миллион дона	7,0	111
Чарм пойфал — миллион юфт	12,9	103
Гўшт (давлат ресурслари ҳом ашёсидан) — минг тонна	54,2	101
Қаймоғи олинмаган сўт маҳсу- лотлари — сутта айлантириш ҳисоблаганда (давлат ресурслари ҳом ашёсидан) — минг тонна	183,3	106
Ўсимлик ёғи (давлат ресурслари ҳом ашёсидан) — минг тонна	243,0	104
Консервалар — миллион шартли банна	75,9	103
Маданий-маиший ва рўзгор мол- лари — миллион сўм	149,3	110

1975 йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан. Электр энергияси ишлаб чиқариш ошди, кўмир қазиб чиқариш кўпайди, машинасозлик, бинокорлик материаллари маҳсулотларининг бир қанча турларини ишлаб чиқариш ошди. Халқ истеъмоли моллари: ниг-газлама, пайпоқ маҳсулотлари, ички ва устин трикотаж, чарм — пойфал, гўшт, қаймоғи олинмаган сўт маҳсулотлари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқариш ҳам кўпайди.

Республика саноат корхоналарининг коллективлари 1976 йилнинг биринчи ярмида ўсқиналардан ҳам ашё ва материаллардан фойдаланишни яхшилаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш рентабеллигини ўстириш борасидаги ишларни давом эттирдилар.

Шу билан бирга бир қанча ишлаб чиқариш бирлашмалари ва корхоналари маҳсулотини реализация қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва жамғармалар, саноат маҳсулотларининг айрим турларини ишлаб чиқариш тош-ширқларини бажара олмадилар.

Илмий тадқиқот, лойиҳалаш, конструкторлик ташкилотлари ва кўпгина корхоналар халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини ривожлантириш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган энг муҳим илмий-техникалий проблемаларини ишлаб чиқишни давом эттирдилар.

Прогрессив технология жорий қилинди, ишлаб чиқариш жараёنларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш давом эттирилди.

Республика халқ ҳўжалигида биринчи ярим йилликда йилга 45 миллион сўмликдан зиёд тежам берадиган 30 мингдан кўп ихтиро ва рационализаторлик таклифлари жорий қилинди.

Электр техника саноатида, трактор ва қишлоқ ҳўжалиқ машинасозлигида, бинокорлик материаллари саноатида, енгил ва озиқ-овқат саноатида буюмларининг янги турларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилиб, бу буюмлар ишлаб чиқарила бошланди.

1976 йил 1 июлда келиб 629 маҳсулотга давлат Сифат белгиси берилди.

II. ҚИШЛОҚ ХўЖАЛИГИ

Республика қишлоқ ҳўжалиги меҳнатнашлари баҳорги дала ишларини уюшқоқлик билан ўтказиб, 1976 йил ҳў-

сили учун қишлоқ ҳўжалиқ экинлари экишни муваффақиятли якунладилар.

Бу йил барча категориялардаги ҳўжалиқларда жами қишлоқ ҳўжалиқ экинлари майдони 3,7 миллион гектарни, шу жумладан, сугориладиган ерларда 2,8 миллион гектарни ташкил этди.

Пахтачиликда ва қишлоқ ҳўжалигининг бошқа тармоқларида техника тараққийини жорий этиш, ихтисослаштиришни чуқурлаштириш ва қишлоқ ҳўжалиқ ишлаб чиқаришнинг концентрациялашни кучайтириш борасидаги тадбирлар янада ривожлантирилди.

Дон етиштирадиган қолхоз ва совхозларда бошоқли дон экинлари ўрми-йигми нисбатига етказилмоқда.

Пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалиқ экинларидан мўл ҳўсил олишга қаратилган қизғин иш олиб боришмоқда. 1976 йилнинг биринчи ярмида республика **чоредорлари** муайян ютуқларни қўлга киритдилар. 1975 йилнинг биринчи ярмига нисбатан қорамоллар туғиш, шу жумладан, қолхоз ва совхозлардаги сиғирлар 2 процент кўпайди.

Чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини ишлаб чиқариш ўтган йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан кўпайди, бу эса кўйидаги маълумотлардан ҳам кўриниб турибди:

(қолхоз ва совхозларда)			
	1 июлгача ишлаб чиқарилиши	1976 йил	1976 йилда 1975 йилга нисбатан ошаган, процент ҳисобидан
Чорва ва парранда асосий турларининг гўшти (сўйилган вазидан) — минг тонна	66,0	69,5	105
Сўт — минг тонна	316,6	327,8	104
Тухум — миллион дона	326,1	335,4	103
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсишига асосан чорва ва паррандаларнинг маҳсулдорлигини ошириш ҳисобига эришилди. Қолхоз ва совхозларда ҳар бир сиғирдан соғиб олинмаган сўтининг ўртача йиллик миқдори ўтган йилга нисбатан 4 процент, товуқларнинг тухум қилиши эса ўрта ҳисобда 6 процент кўпайди.			
Чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг кўпайиши барча категориялардаги ҳўжалиқларда дават харид қи- лиш умумий ҳажми юзасидан ярим йиллик планнинг чор- ва ва парранда бўйича 117 процент, сўт бўйича 108 про- цент ва тухум бўйича 121 процент бажарилишини таъ- минлади.			
Барча областларда ва умуман республикада пилалар давлатга пилла сотиш йилини плани ва қабул қилган социалистик мажбуриятларини бажардилар.			
Чорвачиликнинг асосий маҳсулотларини давлат йўли билан харид қилиш ўтган йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан кўйидаги миқдорда ўсди:			
(барча категориялардаги ҳўжалиқларда)			
	1 июлгача қилиниши	1976 йил	1976 йилда 1975 йилга нисбатан ошаган, процент ҳисобидан
Чорва ва паррандалар (тирик вазидан) — минг тонна	111,4	112,7	101
Сўт — минг тонна	263,5	272,8	104
Тухум — миллион дона	320,5	342,4	107

Республика қолхозлари ва совхозларида чорвачилик учун озуқа тайёрлаш давом этмоқда. Шу билан бирга озуқа етиштиришнинг сенаж бостириш, витаминли ўт талқони тайёрлаш каби прогрессив усулларини жорий этиш ҳисобига озуқанинг сифатидаги тобора кўпроқ эътибор берилмоқда.

1976 йилнинг биринчи ярмида республика қишлоқ ҳўжалигининг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш давом эттирилди. Барча комплексдаги ишлар бўйича қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга давлат йўли билан марналаштириб сарфланган **капитал маблағлар** 779,8 миллион сўмини ташкил этди.

Ўтган ярим йилликда қишлоқ ҳўжалигига 7441 трактор, 2951 юк ва ихтисослаштирилган автомобиль, 2629 пахта териш машинаси, 639 дон қомбайни, 532 маккажўхори ўриш қомбайни ва 690 силос ўриш қомбайни, 5033 трактор селласи, 2845 трактор плуги, 6210 култиватор ва кўп миқдорда бошқа техника етказиб берилди.

Республика қишлоқ ҳўжалигига 2644 минг тонна ёғи 1975 йилнинг биринчи ярмидагидан 59 минг тонна кўп минерал ўғит етказиб берилди.

III. ТРАНСПОРТ ВА АЛОҚА

Ўрта-Осиё темир йўлида 1975 йилнинг шу давридаги нисбатан 3 процент кўп юк юнатилиди, Ўзбекистон территориясига юлланган йўл бўлиналари бўйлаб эса 4 процент кўп юк юнатилиди. Республика бўлиналарида юк вагонларининг ўртача суткалик унумдорлиги ва ҳар бир вагоннинг ўртача статистик нағрузқаси кўпайди.

Шу билан бирга юк ташини ярим йиллик плани Ўрта Осиё темир йўли ҳамда Ўзбекистон темир йўлидаги йўл бўлиналарида бажарилиб қолди. Республиканинг айрим бўлиналарида юк вагонларининг унумдорлигини планга нисбатан камайтириб юбордилар, унинг обороти ўртача вақтинчи ошириб, юк ташини-тушириш операцияларида вагонларнинг нормадан ташқари бекор туриб қолишига йўл қўйдилар.

Умумий фойдаланадиган **автомобиль транспорти** билан юк ташини ярим йиллик плани 106 процент, юк обороти плани 104 процент бажарилиди. Ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан юк ташини 9 процент, юк обороти 11 процент кўпайди. Пассажирлар ташини плани 103 процент, пассажир обороти плани 102 процент бажарилиди. 1975 йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан пассажир ташини 7 процент, пассажир обороти 9 процент ошди. Енгил такси

машиналарнинг пулли қатнови 9 процент ўсди, план 103 процент бажарилиди.

Шу билан бирга, автомобилларни ремонт қилишда ва уни қутишда нормадан ташқари бекор туриб қолишлар, шунингдек, юк автомобилларининг буш қатнови ҳамон рўй бermoқда.

Ўзбекистон **граждан авиацияси бошқармаси** авиацияда юк ташини умумий ҳажми планини 103 процент бажарди. Ўтган йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан юк ташинининг умумий ҳажми 11 процент кўпайди, пассажирлар ташини 6 процент ошди. Республика халқ ҳўжалигида авиацияни қўлланиш бўйича йиллик плани 105 процент бажарилиди, бу ишлар ҳажми 6 процент кўпайди. 1997 минг гектар экин майдони авиация ёрдамида дориланди, бу ўтган йилнинг биринчи ярмидаги нисбатан 6 процент кўпайди.

Алоқа корхоналари (почта, телеграф, телефон, радио) маҳсулотларининг умумий ҳажми бўйича ярим йиллик планини бажардилар, 1975 йилнинг шу давридаги нисбатан алоқа маҳсулотлари ҳажми 8 процент кўпайди.

IV. КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Республика қурилиш ташкилотлари, биринчи ярим йилликда давлат капитал маблағлари ҳисобидан қиймати 940 миллион сўм бўлган **асосий фондларни** ишта туширдилар. Ўтган ярим йилликда республикада янги ишлаб чиқариш қувватлари ва объектлари ишта туширилди.

Электр энергетикада умумий узунлиги 2,5 минг километрдан зиёд бўлган турли кучланишдаги электр узатиш линиялари, шунингдек, қуввати 25,9 минг киловольт ампер бўлган пассивирувчи трансформатор подстанциялари қурилди; 13 нефть қудуги пармаланди; Тошкент — Фрунзе — Олмаота линиясида 88,5 километрлик магистраль газ қувурлари ва уларнинг тармоқлари ўтказилди; 7,2 минг куб метр ҳажмида нефть омборлари қурилди; 27,4 минг куб метр йиғма темир-бетон конструкциялари ва деталлари ишлаб чиқариладиган қувватлар ишта туширилди; Тошкентдаги бинокорлик материаллари қомбинатида иморатларнинг олд томонини безайилган 100 минг квадрат-метр плиталар ишлаб чиқариладиган қувватлар ишта туширилди; шаҳар автомат телефон станцияларининг номерлари 11,6 мингга кўпайди ва ҳозирда.

Қишлоқ ҳўжалигида давлат маблағлари ҳисобидан 28 минг гектардан зиёд янги сугориладиган ерлар ишта туширилди, 139,4 минг гектар яйлота сув чиқарилиди, сағнак 28 минг гектар майдондаги ерининг мелiorиш аҳоли яхшилади, 51,4 минг гектар ерининг сугорити системалари қайта қурилади ва уларнинг сув таъминоти яхши-ланди, шунингдек, 30 минг гектардан зиёд майдондаги сугориладиган ер яхшилаб теисланди. 3,24 минг қорамол, 98,4 мингга қўй ва эчки, шунингдек, 20 мингта парранда учун чорвачилик бинолари қурилоб, ишта туширилди. Ғаллазор ва Фарғона паррандачилиқ фабрикалари қуввати оширилди.

Шу билан бирга айрим ишлаб чиқариш қувватларини, шунингдек, асосий фондларини ишта тушириш плани ўтган ярим йилда бажарилиб қолди.

Халқ ҳўжалигида давлат **капитал маблағлари** ҳажми 1745 миллион сўмини ташкил этди, бу ўтган йилнинг биринчи ярмида ўзлаштирилганда 2 процент кўпайди. Қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бўйича план бажарилиб қолди.

Республиканинг давлат пудрат қурилиш-монтаж ташкилотлари ўз кучлари билан амалга оширадиган **пудрат иш-
лари** ярим йиллик планини 104 процент бажардилар. Ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан ишлар ҳажми 4 про-
цент ошди.

Ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан қурилишда меҳнат унумдорлиги 3 процентдан зиёд ошди.

Республиканинг айрим министрликлари ва идораларида қурилиш-монтаж пудрат ташкилотлари бўйича пудрат ишлари планларининг бажарилиши, бу ишларнинг ҳажми ва меҳнат унумдорлигининг ўсиш суръатлар қуйида келтирилади:

	1976 йил биринчи ярмида 1975 йилининг биринчи ярмидаги нисбатан процент ҳисобидан	1976 йил биринчи ярмида 1975 йилининг биринчи ярмидаги нисбатан процент ҳисобидан
Ўзбекистон ССР Қурилиш министрлиги	100,7	105,7
Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиш министрлиги	102	105,4
Ўзбекистон ССР Монтая ва маҳсуе қурилиш ишлари министрлиги	106	106
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув ҳўжалиги министрлиги	107	107
Ўзбекистон ССР Автомобиль йўллари қуриш ва фойда- ланиш министрлиги	108	97
Ўзбекистон ССР Энерге- тика ва электрлаштириш министрлиги	106	107
Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги	100,1	101
Ўзбекистон ССР Алоқа министрлиги	109	114
Ўзбекистон ССР Мах- суслашма	102	110,0
Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги	104	105
Ўзбекистон ССР Министр- лар Советининг «Ўзплодо»		

ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ҲУЗУРИДАГИ МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

ЖАҲЖИ ҚАЛБЛАР ҚУВОНЧИ

Крупская номи қолхоз Гу-
листон районидида дондор
ҳўжалиқлардан бири. Кейинги
йилларда қолхоз патхалик
соҳасидаги ютуқлари билан
қанчалик донг таратган бўл-
са, ўзининг янги қурилишлари,
айниқса, ҳашаматли ва кўркэм
янги боғлар бoғчаси билан
ҳам шунчалик доғруг тарат-
моқда.

Қолхоз правелиниси ўтган
беш йилликнинг дастлабки йил-
ларидек ҳўжалиқ марказида
тўқсон ўринли замонавий боғча
қуришга қарор қилди ва бу
мақсад учун бир миллион сўм
пул ажратилди. Кўп ўтмай қи-
чинтоиларнинг севимли маска-
сини бунёд этилди. Унинг агро-
фи боғ ва гулзорга айланти-
рилди. Эндиликда бу боғча
фақат қурак, ҳашаматли би-
нос, боғ ва гулзорлари би-
лангина эмас, ажойиб жиҳоз-
лари, таъмилатарбия ишлари
савиясининг юксаклиги, таом-
ларнинг хилма-хиллиги ва лаз-
затлилиги билан ҳам Гулистон
районидида энг намунали боғ-
чага айланди қолди. Район
иқтисодиёти комитети, район ҳақ
номи қолхоз Крупская
номи қолхоз боғчалари бoғ-
часида мўтаам равишда

овошчинпром» аграр-саноат
бирлашмаси

«Лавредрасовхозстрой»
(Ўзбекистон ССР терри-
торияси бўйича)

100,2 130 102,3
104 108 104,3
«Ўзкохозстрой»нинг пудрат ташкилотлари пудрат иш-
лари умумий ҳажми бўйича биринчи ярим йиллик план-
ни 103 процент бажардилар.

Қурилиш-монтаж ишлари **таппархи** пасайтирилди.

Пудрат ишлари плани умуман бажарилигани ҳолда бир
қанча пудрат қурилиш ва монтаж ташкилотлари пудрат
ишлари ҳажми, меҳнат унумдорлиги, фойда олиш ва қу-
рилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш бўйича
план тошпирқларининг бажарилишини таъминлай олма-
дилар.

V. ХАЛҚ ТУРМУШИНING МОДДИЙ ФАРОВОНЛИГИ ВА МАДАНИЙ ДАРАЖАСИНING ОШИШИ

Ўтган ярим йилликда меҳнатнашларнинг турмуш да-
ражасини янада ошириш, уларга маданий ва маиший
хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан тадбирларни амал-
га ошириш давом эттирилди.

1976 йилнинг биринчи ярмида республика халқ ҳўжа-
лигидаги **ички ва хизматхўрлик сони** 3 миллиондан кў-
проқ кишини ташкил этди ва 1975 йилнинг шу даврида-
ги нисбатан 5 процентдан зиёд ошди.

Ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан **ички ва хиз-
матхўрликнинг қўл билан оладиган ўртача иш ҳақи** кў-
пайиб, 137,2 сўмини ташкил этди. Икитомий истеъмол
фондларидан бериладиган тўлов ва имтиёзларни ҳам қў-
шиб ҳисоблаганда иш ҳақи 198,9 сўмини ташкил этди ва
3,2 процент кўпайди.

Қолхозчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш анча ўсди.

1976 йилнинг биринчи ярмида ўтган йилнинг шу да-
вридаги нисбатан **икитомий истеъмол фондларидан аҳо-
ли оладиган тўлов ва имтиёзлар** 8 процент кўпайди.

Ер остидаги ишларда банд бўлган ва меҳнат шариоти,
айниқса, зарарли ва шариоти оғир бўлган кўмир саноати
ҳодимларининг пенсия таъминоти яхшиланди.

Биринчи ярим йилликда **аҳолининг омонат кассалар-
даги омонатлари** 10,1 процент ошди, омонат сақловчилар
сўтларининг миқдори 5,1 процент кўпайди.

1976 йилнинг биринчи ярмида давлат ва кооператив
савдосининг қанча товар обороти умумий ҳажми умумий
оқватланишини ҳам қўшиб ҳисоблаганда
3656,8 миллион сўмини ташкил этди ёки ўтган йилнинг шу
давридаги нисбатан 6,5 процент кўпайди. Товар обо-
ротининг умумий ҳажми бўйича ярим йиллик план 101,7
процент бажарилади.

Товар обороти ва товарлар сотиш қуйидагиларига қар-
рамай аҳолининг бу товарларнинг айрим турларига қўйиб
бoғратган талаби ҳали тўла қондирилмади.

Республика аҳолисида қўрсатилган **маиший хизмат**
ярим йиллик плани 102 процент, шу жумладан, қишлоқ
ойларда қўрсатилган маиший хизмат 104 процент
бажарилиди. Ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан
маиший хизмат реализация қилиш ҳажми 14 процент ош-
ди. Маиший хизмат корхоналари шохобчалари бирмунча
ўсди, лекин мавжуд маиший хизмат корхоналари ва қа-
бул пунктлари ҳамон етарли эмас. Маиший хизмат қўр-
сатиш бўйича буюртмаларнинг бажарилиш сифати ва
муддатлари аҳолини ҳақиқат ҳам қондиради, деб бўл-
мади.

Республикада уй-жой ва маданий-маиший қурилиш
катта миқдорда олиб борилади. Ярим йил ичида давлат
капитал маблағлари ва уй-жой кооперативларининг маб-
лағлари ҳисобидангина умумий саҳни 1075 минг квадрат-
метр бўлган 20,4 мингта ишона квартиралар фойдала-
нишга тошпирилди. Бундан ташқари, қолхозлар ва аҳо-
ли ўз маблағлари ҳақида давлат кредити ёрдамида уй-
жойлар қуришди.

Янги умумий таълим мактаблари, мактабча бозалар
муассасалари, касалхона ва поликлиникалар ҳамда бош-
қа маданий-маиший объектлар фойдаланишга тошпирил-
ди.

Шаҳарлар ва қишлоқларни янада ободонлаштириш бў-
йича ишлар олиб борилади. Шу йилнинг биринчи ярмида
газлаштирилган квартиралар 60 мингдан зиёд ёки 3,6
процент кўпайди, шу жумладан, қишлоқ жойларда 30
мингга ёки 3,9 процент кўпайди.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари **халқ маорифини
ҳақида кадрлар тайёрлаш**ни ривожлантиришда янги му-
ваффақиятларга эришилди.

